Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Халқ депутатлари
Тупроққалъа тумани
Кенгаши
ҚАРОРИ
220400, Тупроққалъа тумани, Ёшлик махалласи,
Мустақиллик кўчаси, 1-уй, тел:30-54-678, факс: 30-53-315

O'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Xalq deputatlari
Tuproqqal'a tumani
Kengashi
QARORI
220400, Tuproqqal'a tumani, Yoshlik maxallasi,
Mustaqillik ko'chasi, 1-uy, tel:30-54-678, faks: 30-53-315

31 декабрь 2020 йил **№** 25/3 **Тупроққалъа тумани**

Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли қарори ва туман ҳокимининг 2020 йил 10-июлдаги № 243-1 Қ-сонли қарорига асосан Тупроққалъа туманидаги аҳоли сони йирик бўлган фуқаролар йиғинида бошқарув тизимини мақбуллаштириш бўйича (Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла тузиш ҳақида) ишчи гуруҳи таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тупроққалъа тумани ҳокимининг 2020 йил 10-июлдаги № 243-1 Қ-сонли қарорига асосан Тупроққалъа туманидаги аҳоли сони кўп ва йирик бўлган фуқаролар йиғинида бошқарув тизимини мақбуллаштириш бўйича (Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла тузиш ҳақида) ишчи гуруҳи таклифи маъқулансин.

2. Тумандаги бўлинадиган ва янги тузилаган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари номи 1-иловага мувофиқ;
-тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари 2-иловага мувофиқ;
-тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман қурилиш бўлими (З.Матчонов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (О.Қурбонов), туман ДСИ (И.Султонов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман ички ишлар бўлими (И.Аллаберганов) мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Туман қурилиш бўлими (З.Матчонов)га, туманда янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш топширилсин.


6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради

7. Мазкур қарорнинг ижросини доимий комиссияси раислари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Тупроққалъа туман
Кенгаши раиси, туман ҳокими **А.Р.Салаев**

*Халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги **25/3**-сонли қарорига 1-ИЛОВА*

Тупроққалъа туманидаги янгидан ташкил қилинган, икки ва уч қисмга ажратилган 3 та маҳаллаларнинг чегара чизмалари харитаси



Тупроққалъа туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллалар номи ва рақамлари

Тупроққалъа тумани	
Т-16	Янги замин
Т-17	Нуробод
Т-18	Яккачиқир

Халқ депутатлари Тупроққалъа туман
Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги
25/3-сонли қарорига 2-ИЛОВА

Тупроққалъа туманидаги маҳаллалар чегара чизмалари тавсифлари
«Нуробод» маҳалласи чегараси тавсифи

Ҳазорасп кўчаси бўйлаб Қишлоқ хўжалик харитаси (М.Улуғбек худуди) 313, 315, 332, 354, 355 қонтурлари бўйлаб Чапқирғок магистрал каналигача, Чапқирғок магистрал каналидан, Ёшлик махалласи чегараси бўйлаб Ёшлик махалласи чегарасидан Навбахор махалласи чегараси бўйлаб Навбахор махалласи чегарасидан Ҳазорасп кўчасига билан чегараланади.

«Яккачиқир» маҳалласи чегараси тавсифи

Ҳазорасп туман чегараси бўйлаб , Чапқирғок магистрал каналигача, Чапқирғок магистрал каналидан, Қишлоқ хўжалик харитаси (М.Улуғбек худуди) № 85, 92, 95, 163, 183, 284, 289, 456, 466, 750, 804, 809, 877, 862-қонтурлари бўйлаб Питнак арна каналигача, Питнак арна каналидан Ҳазорасп туман чегарасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

«Янги замин» маҳалласи чегараси тавсифи

Шехлар кўчаси бўйлаб Саидлар махалласигача Саидлар махалласидан, Питнак кўчаси бўйлаб Хожибобо кўчасигача Хожибобо кўчасидан, Шехлар кўчаси бўйлаб Қишлоқ хўжалик харитаси (Питнак Ўзбекистон худуди) 836, 832, қонтурлари бўйлаб Захкаш бўйлаб “ОУК” Коллекторгача “ОУК” Коллектор бўйлаб Қишлоқ хўжалик харитаси (Питнак Ўзбекистон худуди) 1285, 1278, 1273, 739, 744, 747, 750, 1164 қонтурлари бўйлаб Абул маржон Кабристони билан чегараланади.

Халқ депутатлари Тупроққалъа туман
Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги
25/3-сонли қарорига 3-ИЛОВА

Тупроққалъа туманидаги янгидан ташкил қилинадиган маҳаллаларнинг хонадон ва оилалар сони

Т/Р	**Янги маҳалла номи**	**Хонадон сони**	**Оила сони**
1.	Янги замин	628	1197
2.	Нуробод	1230	1258
3.	Яккачиқир	572	663